

**ХАЖИБАКИЕВ Шухрат Хўжаёрович,**  
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон  
Миллий университети «Иқтисодиёт»  
факультети докторанти

# АҲОЛИ БАНДЛИГИГА Кўмаклашиш ТАДБИРЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

УДК 331.526

---

## **ХАЖИБАКИЕВ Ш.Х. АҲОЛИ БАНДЛИГИГА Кўмаклашиш ТАДБИРЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

Мақолада аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар ва уларни молиялаштириш масалалари муҳокама қилинган ҳамда бу борада долзарб фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Таянч иборалар: аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш жойларини яратиш, жамоат ишларини ташкил қилиш, касбга йўллаш, ишсизлик нафақаси.

---

## **ХАЖИБАКИЕВ Ш.Х. ВОПРОСЫ ФИНАНСИРОВАНИЯ МЕРОПРИЯТИЙ ПО СОДЕЙСТВИЮ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЗАНЯТОСТИ НАСЕЛЕНИЯ**

В статье обсуждаются вопросы и меры по обеспечению занятости населения, финансирования этих мероприятий, а также актуальные направления действий.

Ключевые слова: обеспечение населения работой, создание новых рабочих мест, организация общественных работ, профессиональная ориентация, пособия по безработице.

---

## **ХАЖИБАКИЕВ Ш.Х. THE ISSUES OF UNEMPLOYED PERSONS SUPPLY WITH JOBS SUPPORTING AND FINANCING OF THE ACTIONS**

There is discussed in the article issues of supply of unemployed persons with jobs, arrangement of public works and financing of the actions. As well it is suggested an actual directions of actions in that regards.

Keywords: supply of jobs, creation of new jobs, arrangement of public works, professional orientation, unemployment benefit.

**Аҳоли бандлигини, айниқса, ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлаш масаласи мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Меҳнат қилиш ҳуқуқи ва бу ҳуқуқнинг амалга оширилиши масаласи – давлатимизнинг бугунги ва келажакдаги қиёфасини белгиловчи, мамлакатимизнинг халқаро обрў-эътиборини таъминлайдиган, инсоннинг бевосита манфаатларига дахлдордир.**

Шу нуқтаи назардан, ишсизлик муаммоси ва уни ҳал қилиш, меҳнат қилиш ҳуқуқларини амалда таъминлаш ҳисобига амалга оширилиши зарурий қонуниятдир. Аҳолини иш билан таъминлаш ва бандлик масалалари давлат учун ижтимоий-иқтисодий, сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, мамлакатнинг тараққиёт даражаси, барқарорлик, фуқаролар энг муҳим ҳуқуқларининг амалга оширилиши ушбу муаммо амалда қандай ҳал этилганлигига боғлиқдир.

Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёевнинг бандлик масаласини ҳал қилишнинг бутун тизimini ўзгартириш бўйича комплекс раҳбарияти, ҳокимлар ва уларнинг биринчи ўринбосарлари шахсий маъсулиятини оширишни муҳим вазифа сифатида қайд этганлари ҳам бежизга эмас<sup>1</sup>. Шу билан боғлиқ ҳолда 2017 йилда бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш, банд бўлмаган аҳолини, айниқса, ёшларни ишга жойлаштириш бўйича чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнат муҳофазасини кучайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича мувофиқлаштирилган самарали ишларни амалга оширишда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг маъсулиятини тубдан кучайтиришга хизмат қилувчи қатор қарор<sup>2</sup> ва фармонлар<sup>3</sup> қабул қилинди. Давлат органлари аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган кенг қамровли ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий чора-

тадбирларни амалга оширмоқдалар ва бу борада маълум кафолатларни тақдим қилмоқдалар. Берилган кафолатлар тегишли молиялаштириш билан таъминланиши зарур бўлган мажбуриятларни давлат зиммасига юклашдан иборат. Аҳоли бандлигига кўмаклашиш ва ишсизларни ижтимоий муҳофаза қилиш тадбирлари Ўзбекистон Республикасининг харажат мажбуриятлари ҳисобланади. Келтирилган тадбирларни молиялаштиришнинг қўшимча маблағлари бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан олиниши ҳам мумкин.

Ишсизликни пасайтиришга қаратилган фаолиятни молиявий таъминлаш республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳозирги босқичининг муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларидан биридир. Иқтисодий инқироз бошланиши билан у муҳим аҳамиятга эга бўлди ҳамда чуқур илмий тадқиқ этишга, шу асосда ишсизликнинг, меҳнат бозоридаги тиғизликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни молиялаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ва ҳар томонлама таҳлил қилишга муҳтождир.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда ишсизлик табиий даражада, уларнинг сони 2016 йилда 724,0 минг кишини ташкил этди (1-жадвал).

Таҳлиллар, 2010-2016 йилларда ишсизлик даражаси аёллар орасида эркакларга қараганда пасайганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, 2010 йилда аёллар орасида ишсизлик даражаси 6,3%ни ташкил этиб, уларнинг улуши жами ишсизлар таркибида 53,7%га тенг бўлгани ҳолда 2016 йилда аёллар ишсизлиги 5,0% даражасида барқарорлашди ва жами ишсизлар таркибидаги улуши 43,8%га қадар қисқарди.

2005 йилдан бошлаб, Ўзбекистонда ишсизликни ҳисоблаш Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) методикаси бўйича амалга оширилмоқда, шундан келиб чиқиб, «расмий ишсизлик даражаси» тушунчаси қўлланилмапти. Бироқ жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози кўплаб иқтисодий фаолият турларида ишлаб чиқаришнинг пасайишини келтириб чиқарди. Жаҳон молиявий-иқтисодий

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Т.: «Ўзбекистон», 36-б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.05.2017 й. «Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилган ишлар натижадорлиги ва самарадорлигини оширишда маҳаллий ижро ҳокимияти ва иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларининг шахсий маъсулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги N ПҚ-2960-сон Қарори.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.05.2017 й. «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги N ПФ-5052-сон Фармони.

1-жадвал. Ўзбекистонда ишсизлар сони ва ишсизлик даражаси<sup>1</sup>

Йиллар	Ишсизлар сони, минг киши			Ишсизлик даражаси, фоиз ҳисобида		
	Жами	Шу жумладан		Жами	Шу жумладан	
		аёллар	эркаклар		Аёллар	Эркаклар
2010	658,2	353,4	304,8	5,4	6,3	4,6
2011	622,4	274,7	347,7	5,0	4,8	5,1
2012	626,3	275,4	350,9	4,9	4,7	5,0
2013	639,7	281,1	358,6	4,9	4,7	5,0
2014	687,0	301,5	385,5	5,1	4,9	5,2
2015	709,4	311,2	398,2	5,2	5,0	5,3
2016	724,0	317,5	406,5	5,2	5,0	5,3

инқирозининг салбий оқибатлари жамият ҳаётининг турли соҳаларига уларнинг ташқи иқтисодий фаолиятга боғлиқлигига кўра, кириб бормоқда. Хорижий ҳамкорларнинг харид лаёқати пасайиши билан боғлиқ равишда, миллий товарларимизга жаҳон бозорида нархларнинг тушиб кетиши экспортёр корхоналаримиз иқтисодий фаолитига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бандликка кўмаклашиш марказларига иш қидириб, мурожаат этган жами шахсларнинг ишга жойлаштирилиш даражаси 94,7% ни ташкил этди. Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг ХМТ методологияси бўйича амалга оширилган ҳисоб-китобларига кўра, республикадаги ишсизлик даражаси 2017 йил 1 январь ҳолатига 5,2% ни ташкил этди. Ишсизлик даражасининг энг юқори кўрсаткичлари Андижон (5,6%), Самарқанд (5,7%), Сурхондарё (5,6%), Фарғона (5,5) ва Хоразм (5,5%) вилоятларида қайд этилди<sup>2</sup>.

Молиявий инқироз, биринчи навбатда, иқтисодиётнинг реал секторига таъсир кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, республикада иқтисодга қарши чоралар дастури доирасида кўрилган чоралар корхоналарнинг молиявий аҳволини яхшилашга ҳамда уларнинг бандлигини сақлаб туриш орқали иқтисодиётдаги оқибатларини юмшатиш ҳамда меҳнат бозоридаги жиддий тебранишлар олдини олиш, оммавий ишсизлик билан бир қаторда, иш ҳақи тўламаслик, иш берувчининг ташаббусига кўра, ҳақи тўланмайдиган таътилга чиқиш каби меҳнат қонунчилигининг бузилиши

ёки тўлиқсиз иш кунига ўтказилиши билан боғлиқ муаммоларнинг олдини олишга эришилмоқда.

Ишсизлик жиддий давлат муаммоси бўлиб, макроиқтисодий беқарорлик кўрсаткичи сифатида чиқади, давлат унга қарши кураш чораларини кўриши зарур бўлиб, улар катта молиялаштиришни талаб қилади. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан ҳар йили республика ва ҳудудлар миқёсида қабул қилинаётган Давлат бандлик дастурлари ишлаб чиқилади ва Олий Мажлис Сенати томонидан тасдиқланади. Жумладан, 2016 йил давомида 725,7 минг кишининг иш билан бандлиги таъминланди, жумладан саноатда 130,7 минг, хизматлар соҳасида 69,5 минг, қишлоқ хўжалигида 55,5 минг, фаолиятсиз корхоналар фаолиятини қайта тиклаш ҳисобига 44,3 минг, қурилишни ривожлантириш ва инфратузилмага оид лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига 83,6 минг ва яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 141,3 минг иш ўринлари яратилди<sup>3</sup>. 2017 йилги Бандлик дастурига мувофиқ эса, 389,3 минг нафар фуқароларнинг янгидан ташкил этиладиган доимий ва барқарор иш ўринларида бандлигини таъминлаш вазифаси қўйилди. Саноат, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳасида яратилаётган иш жойларининг замонавийлиги, уларнинг нуфузи ва энг асосийси, иш ҳақларининг юқориликка катта аҳамият берилмоқда.

Давлат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг асосий йўналишлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

– **кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик**, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Банд-

<sup>1</sup> Труд и занятость в Узбекистане. –Т.: ООП Государственного Комитета Республики Узбекистан по статистике, 2013. С.40; Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Тезкор матбаа ва техник хизмат кўрсатиш бўлими, 2017. 40-б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон иқтисодиёти ахборот-таҳлилий бюллетень 2016 йил январь-декабрь. Иқтисодий тадқиқотлар маркази. –Т.: «SEAL MAG» ЕАЖ ҚҚ, 2017. 14-б.

<sup>3</sup> Ўша манба. 13-б.

ликни оширишда янги иш жойларини яратишдаги бугунги энг муҳим ҳал қилувчи масала кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларга кенг имконият ва имтиёзлар ташкил қилиб беришдир. Бу нафақат ижтимоий ночорликни камайтиришга, балки иқтисодий соғломлаштиришга қаратилган ягона тизимли тадбир вазифасини бажармоқда. Мазкур йўналишда катта имкониятларни туғдирадиган омил – давлатимиз раҳбари томонидан 2015 йил 15 майда қабул қилинган «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-4725-сонли Фармони билан киритилган имтиёзлардир. Масалан, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчиларга учтагача ходим ёллаш ҳуқуқи берилиши иш берувчи учун ҳам, ишга жойлашувчи учун ҳам улкан имкониятлар беради. Жумладан, 2017 йилда бандлик дастури доирасида якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш, улар томонидан меҳнат шартномалари асосида қўшимча ходимларни ёллаш ҳисобига – 97,7 минг кишининг бандлигини таъминлаш режалаштирилган;

– **бизнесга кредит ажратиш.** Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини банк кредитлари орқали қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари меҳнат бозорининг ривожланишига катта ёрдам бермоқда. Жумладан, 2016 йилда бандлик дастури доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан 15,8 трлн. сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш белгиланган. Бу эса 2016 йилга нисбатан 25%га кўпдир<sup>1</sup>. Бунда кредит олишнинг асосий шarti – нафақат ўзи учун, балки бошқа расмий рўйхатга олинган ишсизларни ёки тенгдошларини иш билан таъминлашдир. Бу тадбир ишсизлар орасида талаб қилинган ҳисобланади, чунки кредит ресурслари учун фоиз ставкаси жуда паст ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун амалда қулайликларни таъминлайди;

– **уй меҳнатининг,** энг аввало, корхоналар билан меҳнат шартномаларига асосланган **касачилик меҳнати, хунармандчилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш.** 2016 йилда ушбу йўналишда 142,9 минг нафар фуқароларнинг бандлиги таъминланиши кўзда тутилган. Бун-

дан ташқари, давлат томонидан фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, шунингдек, касбга қайта ўқитиш, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш ҳамда ижтимоий муҳофазага муҳтож фуқароларни заҳира (квота) қилинган иш ўринларига ишга жойлаштириш чоралари кўрилмоқда.

– доимий иш ҳақидан ажралган фуқаролар учун **жамоат ишларини ташкил қилиш.** Кўчаларни тозалаш, ҳудудларни ободонлаштириш, жамоат транспортига хизмат кўрсатиш, маданий ёдгорликларни таъмирлаш ижтимоий меҳнатнинг энг оммавий турлари ҳисобланади. Бунда қурилиш ва йўлларни таъмирлаш каби муҳим тадбирлар ҳам катта ўрин тутмоқда. Бунда мунтазам банд қиладиган узоқ муддатли ишлар ўрнига ҳозирги пайтда ишсизларни вақтинчалик ишлар билан банд қилишга уринилмоқда. Натижада ишсизлар ишсизлик нафақаси олишни афзал кўрган ҳолда жамоат ишларига ҳаракат қилмайдилар;

– **ишсизлик нафақаси.** Ишсизлик нафақаси белгиланган тартибда ишсиз деб топилган шахсларга улар аҳолини иш билан таъминлаш давлат хизматида рўйхатдан ўтган кунларидан бошлаб тайинланади. Ишсизлик нафақаларини олиш ҳуқуқи иш билан таъминлаш давлат хизматида рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб кечи билан ўн биринчи кундан кейин кучга киради ва ишга жойлаштириш масаласи ҳал этилгунга қадар амал қилиб туради. Ишсизлик нафақаларини тўлаш муҳлати ишидан ва иш ҳақидан маҳрум бўлган ёки узоқ (бир йилдан ортиқ) танаффусдан кейин меҳнат фаолиятини тиклашга ҳаракат қилаётган шахслар учун ўн икки ойлик давр мобайнида 26 календарь ҳафтасидан, илгари ишламаган, биринчи бор иш қидираётган шахслар учун эса 13 календарь ҳафтасидан ошмаслиги керак. Ишсиз нафақа олиш даврида фаол иш қидириши ва ҳар икки ҳафтада камида бир марта иш билан таъминлаш давлат хизматларида йўқламадан ўтиши керак. Бу тадбирлар жамиятдаги ижтимоий босимни камайтиради, аммо ишсизлик билан курашишда ёрдам бермайди, ишлашга бўлган рағбатни пасайтиради. Ошган нафақалар аҳолининг иқтисодий фаолроқ гуруҳларига юкларни яратади, уларнинг солиқ ажратмалари ҳисобига ижтимоий тўловларини шакллантиради;

– **талабаларга ёрдам.** Олий ўқув юртлари битирувчилари учун стажировкаларни ташкил қилиш меҳнат бозоридан кескинликни пасайтириш тадбирларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2016 йил 28 октябрдаги 629-III-сонли қарори.

Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармонига кўра, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш, ёшларни, авваламбор, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича амалий вазифалар белгиланди. Шу боисдан ҳам бугунги кунда микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан республиканинг касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилганда, банд ходимларнинг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган чекланган нормативдан кўпи билан 20% оширилган ҳолларда микрофирма ва кичик корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар, кафолат ва ҳуқуқлар сақланиб қолмоқда. Бундан ташқари, академик лицейларнинг йўналишлари қайта кўриб чиқилиб, унинг битирувчиларига сертификатлар бериш кўзда тутилмоқдаки, бу уларнинг ишга жойлашишларига маълум кафолатлар тақдим этади. Битирувчиларга ўз бизнесини ташкил этиш ва юритишга тижорат банклари томонидан имтиёзли микрокредитлар ажратиш амалиётини давом эттириш, 2017 йилда 24 мингдан ортиқ битирувчига 300 млрд. сўмдан ортиқ ёки 2016 йилга нисбатан 25 фоизга кўп маблағлари йўналтириш белгиланган<sup>1</sup>;

– **қайта ўқитиш.** Давлат иш билан таъминлаш хизматида рўйхатдан ўтган ва ишсизлик мақомини олган шахсларни касбга ўргатиш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш иш билан таъминлаш давлат хизматларининг йўлланмалари бўйича ўқув юртларида иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармасида ана шу мақсадлар учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» ги Қонунининг 27-моддасида санаб ўтилган шахслардан ташқари, ишидан ва иш ҳақидан маҳрум бўлган, иш билан таъминлаш давлат хизмати томонидан рўйхатга олинган, қарамоғида вояга етмаган болалари ва бошқа кишилар бўлган шахсларга касб ўрганиш, малакасини ошириш ёки қайта

тайёргарликдан ўтиш даврида эски иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақининг 75% идан (қарамоғида болалари ва бошқа кишилар бўлмаганда эса 50% идан) кам бўлмаган, бироқ Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан кам бўлмаган ва республикада таркиб топган ўртача иш ҳақидан ортиқ бўлмаган миқдорда стипендия тўланади<sup>2</sup>. Бундан ташқари ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотига эга бўлган ишсиз ва вақтинча банд бўлмаган, шу жумладан доимий ишга эга бўлмаган шахсларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассислик ва касблар бўйича — 1 йилгача бўлган муддатда касб-ҳунарга бепул қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тартиби белгилаб қўйилган.<sup>3</sup>

Ушбу тадбирлар муҳим ва катта миқдорда молиявий ресурсларни талаб қилади. Молиялаштириш етарли бўлмаган вазиятда кўриб чиқилган ҳаракатлардан кўзланган самарани олиш қийин. Шу сабабли давлат аҳоли бандлигига кўмаклашиш ва ишсиз фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурларини молиялаштириш манбаларини тизимли излаши зарур. Иш берувчилар ҳозирги вақтда бу мақсадга ажратмаларни амалга оширмайдилар. Илгари қайд этилганидек, бу Ўзбекистоннинг харажат мажбуриятлари ҳисобланиб, давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари ва ўз даромадлари ҳисобига бажарилади.

Меҳнат бозори қонунларининг таъсирида аҳоли бандлигига кўмаклашиш соҳасидаги давлат сиёсати қуйидаги йўналишларда аниқлаштирилган:

– меҳнат ресурсларини ривожлантириш ва уларнинг ҳаракатчанлиги заруратини эътироф этиш;

– амалдаги ва янгитдан яратилаётган иш ўринларини сақловчи иш берувчиларни қўллаб-қувватлаш;

– фуқароларнинг меҳнат ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ишлаб чиқариш, ижодий лаёқатларини ривожлантиришга кўмаклашиш;

– аҳоли бандлиги соҳасидаги сиёсатни иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» ги 1998 йил 1 майдаги 616-И-сон Қонунининг 27-моддаси.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида ишсиз фуқароларни касб-ҳунарга ўқитиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 2017 йил 10 апрель, 199-сон қарори.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2016 йил 28 октябрдаги 629-III-сонли қарори.

бошқа йўналишларидаги фаолият билан мувофиқлаштириш.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртанча синфнинг вужудга келиши ва ривожланишига, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти таркибининг шаклланишига олиб келадиган ўзини-ўзи бандлигини таъминлаш сингари илғор турларини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни олиб боради. Бундан ташқари, аҳоли бандлигига самарали кўмаклашиш, иш берувчиларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун меҳнат ва бандлик хизмати ҳамда хусусий кадрлар агентликлари каби замонавий меҳнат бозори инфраструктураси таркибий қисмларининг ҳамкорлиги катта аҳамият касб этади.

Хотима ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, давлатнинг фаол иштирокисиз, етарли бюджет молиялаштиришисиз ҳамда иш берувчиларнинг иштирокисиз аҳоли бандлигига кўмаклашиб бўлмайди. Фикримизча, давлат ижтимоий сиёсатининг мазкур соҳасида иш берувчилар вакиллари билан биргаликда ва тармоқ касаба уюшмалари иштирокида аҳоли бандлигига кўмаклашиш тадбирларини амалга ошириш бўйича ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва унинг асосида корпоратив ижтимоий дастурларни молиялаштириш манбаларини белгиланган ҳолда мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқдир.

### Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Т.: «Ўзбекистон», 103 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» ги Қонун. 1998 й. 1 май 616-1-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар натижадорлиги ва самарадорлигини оширишда маҳаллий ижро ҳокимияти ва иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори. 2017 й. 6 май N ПҚ-2960-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. 2017 й. 24 май N ПФ-5052-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида ишсиз фуқароларни касб-ҳунарга ўқитиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 10 апрель, 199-сон қарори
6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2016 йил 28 октябрдаги 629-III-сонли қарори.
7. Труд и занятость в Узбекистане. – Т.: ООП Государственного Комитета Республики Узбекистан по статистике, 2013.
8. Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Тезкор матбаа ва техник хизмат кўрсатиш бўлими, 2017.
9. Ўзбекистон иқтисодиёти ахборот-таҳлилий бюллетень 2016 йил январь-декабрь. Иқтисодий тадқиқотлар маркази. –Т.: «SEAL MAG» ЁАЖ ҚҚ, 2017.